

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018. FM/T.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСТОҒОҚУЛОВ ЖАББОР АХМАТҚУЛОВИЧ

ЁРИҚ-ҒОВАК МУҲИТЛАРДА НОМУВОЗАНАТ АДСОРБЦИЯ
ҲИСОБГА ОЛИНИБ МОДДА КЎЧИШИ МАСАЛАЛАРИНИ ЕЧИШ

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мустофокулов Жаббор Ахматкулович

Ёриқ-говак муҳитларда номувозанат адсорбция ҳисобга олиниб
модда кўчиши масалаларини ечиш 3

Мустофокулов Жаббор Ахматкулович

Решение задач переноса вещества в трещиновато-пористых средах
с учетом неравновесной адсорбции 21

Mustofoqulov Zhabbor Akhmatqulovich

The solution of solute transport problems in fractured-porous media with
nonequilibrium adsorption..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018. FM/T.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСТОФОҚУЛОВ ЖАББОР АХМАТҚУЛОВИЧ

ЁРИҚ-ҒОВАК МУҲИТЛАРДА НОМУВОЗАНАТ АДСОРБЦИЯ
ҲИСОБГА ОЛИНИБ МОДДА КЎЧИШИ МАСАЛАЛАРИНИ ЕЧИШ

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/FM354 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва "Ziyounet" ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Хўжаёров Бахтиёр Хўжаёрович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Арифжанов Ойбек Мухамеджанович
техника фанлари доктори, профессор
Жабборов Мамасоли Содикович
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот: Механика ва ишпоотлар сейсмик мустаҳкамлиги
институтини

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.30.08.2018.FM/T.02.09 рақамли Илмий кенгашнинг «17» январь 2020 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд бн., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (125 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32.

Диссертация автореферати 2019 йил «30» декабрь кунин тарқатилди.
(2019 йил «28» декабрь даги 8 рақамли реестр баённомаси).



Р.И.Халмуратов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

А.Абдирашидов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
физика-математика фанлари бўйича
фан доктори (DSc), доцент

Ж.Акилов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
Ўринбосари, физика-математика
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда радионуклидларнинг ғовак қатламлар орқали ҳаракатига доир экологик муаммолар билан боғлиқ бўлган моддаларнинг ёриқ-ғовак муҳитларда кўчиши масаласини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, актив, радиоактив чиқиндиларни ер ости геологик сақлаш учун яроқлилик даражасини баҳолаш муаммолари ҳам ёриқ-ғовак муҳитларда моддалар ва радионуклидларнинг кўчишини тадқиқ қилишни тақозо этади. Бундай тадқиқотлар ва тажрибаларни амалга ошириш диффузион кўчиш жараёнларини, ёриқ ва матрицанинг ўзаро таъсирлашувини чуқур англашни талаб қилади. Шунинг учун кўпгина хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Хитой, Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган давлатларда ёриқ-ғовак муҳитларда суюқликда эритилган моддаларни ҳайдаш орқали нефтни қазиб олишни интенсификация қилиш ва турли хил чиқиндиларни ер ости резервуарларига утилизация қилишда модда кўчиши жараёнларини гидродинамик моделлаштириш, уларни тадқиқ этишнинг ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда замонавий ҳисоблашнинг дастурий воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда турли хил саноат чиқиндилари ҳажмининг тобора ошиб бораётганлиги ва натижада атроф муҳит экологияси бузилиши нормаларининг ошиб бориш тенденцияси, уларни утилизация қилиш ва қайта ишлашнинг замонавий усулларини ҳамда технологияларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда, жумладан моддаларнинг ғовак ва ёриқ-ғовак муҳитларда кўчиш жараёнларини математик моделлаштириш, қулай ва афзал усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга гидродинамик моделлар фундаментал физик ва кимёвий қонунларга асосланиб, жараённи ўрганишда юзага келувчи феноменологик характерли ёндашувларни эътиборга олиш билан бир қаторда гидродинамик модел, ҳисоблаш алгоритми ва дастурларини ишлаб чиқариш зарур ҳисобланади.

Республикамизда амалиётга жорий этилаётган модда кўчишини моделлаштириш масалалари экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда, хусусан пестицидлар ва актив моддаларнинг ёриқ-ғовак муҳитларда ҳаракатини тавсифлашда, атроф муҳит химояси, нефт ва газни қазиб олиш ҳамда техниканинг бошқа соҳаларида кенг қўлланилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш..., ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш...»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан ёриқ-ғовак муҳитларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

моддалар кўчиши ва оқими жараёнларини ифодаловчи такомиллаштирилган математик моделларни яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть ва газ саноатини бошқариш тизимини мукаммаллаштириш тўғрисида», 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3823-сон «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 майдаги ПҚ-3730-сон «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни интеграция қилиш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Юқоридагиларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, модданинг ёриқ-ғовак муҳитларда кўчиш жараёнларини адсорбция, диффузия ва радиоактив (химик-биологик) емирилиш ҳодисаларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш долзарб масаладир.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нефть-газ, грунт қатламларида сизишнинг гидродинамик моделларини яратиш, ёриқ-ғовак муҳитларда модда кўчиши жараёнларини математик моделлаштириш ва такомиллаштириш ҳамда уларни тадқиқ қилишда хорижлик олимлар М.Е.Thompson, G.E.Grisak, J.F.Pickens, J.A.Cherry, E.O.Frind, E.A.Sudicky, N.Watanabe, N.Hirano, A.Okamoto, D.Reynolds, B.Kueper, B.Berkowitz, S.K.Matthai, A.Mezentsev, E.Unsal, S.K.Matthaii, M.J.Blunt, Y.W.Tsang, C.F.Tsang, I.Neretnieks, M.Selim ва бошқаларнинг ишлари аҳамиятга молик.

Ўзбекистонда ёриқ-ғовак муҳитларда суюқлик ҳаракати ва модда кўчиши жараёнларини тадқиқ қилиш учун математик моделлар ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқишда Ф.Б.Абуталиев, Э.Б.Абуталиев, Н.М.Мухитдинов, Р.Садуллаев, И.Алимов, Ж.Акилов, Н.Равшанов, Ш.Каюмов, И.К.Хўжаев, К.Н.Наврұзов, Б.Х.Хўжаёров ва бошқалар муҳим ҳисса қўшган ва қўшмоқда.

Бугунги кунда ёриқ-ғовак муҳитларда модда кўчишининг қатор мавжуд моделлари жараённинг асосий хусусиятларини ифодалаб, модданинг адсорбцияланиши, химик-биологик (радиоактив) емирилиши ҳисобга олиниб, кўчиш билан боғлиқ масалаларни ечиш усули ва алгоритмларни ишлаб чиқишдаги муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши ЎзР ФА Самарқанд бўлими Минтақавий муаммолар комплекс илмий тадқиқот институти (ММКИТИ)нинг фундаментал тадқиқотларини қўллаб қувватлаш фондининг №100-06 рақамли гранти "Ёриқ-

ғовак мухитларда адсорбцияни ҳисобга олиб инерт ва актив моддалар кўчишининг гидродинамик масалалари" (2006-2007) ва ЎзР ФА Самарқанд бўлими ММКИТИнинг ФА-Ф1-Ф042 рақамли "Ғовак мухитларда биржинслимас суюқликлар сизиши гидродинамик моделларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш" (2007-2008) мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ёриқ-ғовак мухитларда номувозанат адсорбция ҳамда диффузияни ҳисобга олган ҳолда модда кўчиши ва суюқликлар ҳаракати масалаларининг гидродинамик моделларини такомиллаштириш ва сонли ечиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёриқ-ғовак мухитларда модда кўчиши моделларини таҳлил қилиш ва масалани ечиш усулларини ишлаб чиқиш;

ёриқ-ғовак мухитларда модда кўчиши жараёнларини модданинг ёриқдан ғовак блокка диффузион узатилиши, гидродинамик дисперсия ва мухитлараро конвектив кўчишни ҳисобга олган ҳолда ечиш;

номувозанат адсорбцияни ҳисобга олиб кўчишнинг асосий хусусиятларини аниқлаш (концентрация майдони, мухитлараро модда алмашинуви ва бошқалар);

иккита ёриқдан ва улар орасида жойлашган ғовак блоклардан ташкил топган ёриқ-ғовак мухит элементида адсорбцияланувчи моддаларнинг кўчиши масалаларини ечиш;

ёриқ-ғовак мухит элементида адсорбцияланган моддаларнинг кўчиши жараёнларини кўндаланг ва бўйлама диффузияни ҳисобга олган ҳолда моделлаштириш ва уни ечиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида модда (аралашма) билан тўйинган суюқлик, ёриқ-ғовак мухитлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ёриқ-ғовак мухитда адсорбцияланувчи модда кўчиши жараёнлари математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва гидродинамик жараёнлар ўзгариш қонуниятларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида механиканинг фундамен-тал қонунлари ва кўшимча феноменологик фаразлар асосида ёриқ-ғовак мухитларда модда кўчишининг гидродинамик моделларини яратиш ва таҳлил қилиш, усулнинг барқарорлигига асосланган ҳолда, ночизиқли дифференциал тенгламаларни ечишнинг чекли айирмалар усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

номувозанат адсорбция ва унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёриқ-ғовак мухитда модда кўчиши ва суюқлик ҳаракати масалалари ечилган ҳамда уларнинг ушбу мухитдаги инерт ва актив моддалар кўчишига таъсири баҳоланган;

битта ёриқ ва ғовак блокдан, шунингдек иккита ёриқ ва уларнинг ўртасидаги ғовак блоклардан ташкил топган ёриқ-ғовак мухит элементида модда кўчиши масаласи учун номувозанат адсорбциянинг уч хил кўринишдаги тенгламалари тузилган;

нумовозанат адсорбцияни ва диффузияни ҳисобга олиб модда кўчишининг математик модели ишлаб чиқилган ва адсорбциянинг муҳитлар чегарасидаги модда алмашинуви кўрсаткичларига сезиларли таъсир этиши исботланган;

модданинг химик-биологик активлиги ёки радиоактив емирилиши ҳисобга олинганда концентрация тарқалиш майдонининг қисқариши ва адсорбция қийматининг камайишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

кинетик ёндашувга асосланган ҳолда ёриқ-ғовак муҳитда моддалар кўчишини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

адсорбцияни ҳисобга олган ҳолда, ёриқ-ғовак муҳитда модда кўчишини ҳисоблаш учун мўлжалланган дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълум ва кўп маротаба текширилган ер ости гидродинамикаси тенгламаларига асосланган бўлиб, адсорбцияланувчи моддаларнинг кўчиши масаласини ечишда ошқормас чекли айирмалли схемалардан фойдаланилганлиги, рақамли ҳисоб-китобларни амалга оширишда методнинг барқарорлигига асосланганлиги, олинган натижалар физик жиҳатдан таҳлил қилинганлиги, уларнинг ҳақиқий физик жараёнларга мувофиқлиги баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адсорбциянинг турли хил кинетик тенгламаларига асосланиб ёриқ-ғовак муҳитларда суюқлик ҳаракати ва модда кўчиши назариясига ҳисса қўшиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар нефт ва газ қазиб олиш жараёнлари, гидрология, гидротехника, суғориш ва кимёвий технологиянинг турли жараёнларини таҳлил қилишда кенг қўллаш, гидродинамик моделлар ёрдамида ёриқ-ғовак муҳитларда модда кўчиши жараёнини таҳлил қилиш ва уни ўрганишга методологик ёндашувни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёриқ-ғовак муҳитларда суюқлик ҳаракати ва модда кўчиши жараёнларининг такомиллаштирилган моделларини сонли тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалари асосида:

суюқлик ҳаракати ва адсорбцияланган модданинг ёриқ-ғовак муҳитда кўчиши жараёнининг гидродинамик дисперсия, диффузия ва нумовозанат адсорбция эффектларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган моделлари ва ҳисоблаш алгоритмлари БВ-Атех-2018-9 рақамли «Техноген омиллардан атмосфера ва сув ресурсларини ҳимоялаш масалаларини ечиш учун моделлар, тақсимланган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалар ишлаб чиқиш» фундаментал лойиҳасида тупроқли қатламларда нам туз кўчиши миқдорини ҳисоблашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 26 апрелдаги 33-8/2897-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланили-

ши рақамли алгоритмларни амалга оширишда ҳисоб-китоб экспериментларини автоматлаштиришга ва ғовак муҳитда модда кўчишининг мураккаб масалаларини ечиш жараёнини ҳисоблаш давомийлигини сезиларли даражада қисқартириш имконини берган;

инерт ва актив моддаларнинг ёриқ-ғовак муҳитларда кўчиши жараёнининг такомиллаштирилган математик моделларини тузиш ва сонли таҳлил этиш бўйича олинган натижалар ФА-Ф078 рақамли «Ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликлар сизиши гидродинамик моделларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш» лойиҳада ғовак муҳит деворларига модда концентрациясининг адсорбцияланишини ҳисоблашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрдаги 89-03-4297-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши мураккаб геометрияли соҳалар учун ер ости қатламларида адсорбцияланувчи модда кўчишининг кўп ўлчовли масалаларини гидродинамик моделларини такомиллаштириш, ҳисоблаш экспериментини ўтказиш ва натижаларни визуаллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий нашрда ва 5 таси республика нашрларида, 2 та маҳаллий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ёриқ-ғовак муҳитларда адсорбцияланувчи модда кўчиши жараёнларини моделлаштириш**” деб номланувчи биринчи бобида адабиётлар манбалари асосида адсорбция ҳодисасига оид умумий маълумотлар келирилган. Асосий эътибор мувозанат ва номувозанат адсорбциянинг бир нечта турига қаратилган. Ғовак муҳитларда модда кўчиши жараёнларига бағишланган гидродинамик методлар таҳлил этилган. Ёриқ-

Ғовак мухитларда модданинг кўчиш жараёнларини гидродинамик таҳлил қилиш усуллари ҳақида умумий маълумот берилган.


1.1 параграфда ғовак мухитда модданинг кўчиши жараёнларини гидродинамик таҳлил этиш усуллари ҳақида умумий маълумотлар берилган.

1.2 параграфда ёриқ-ғовак мухитларда модданинг кўчиши жараёнларини гидродинамик таҳлил қилиш усуллари ҳақида умумий маълумотлар берилган. Ёриқ-ғовак мухитларда модданинг конвектив диффузияси ва гидродинамик дисперсиясини ҳисобга олиб адсорбцияланувчи модда кўчишининг асосий тушунчалари қисқача баён этилган.

Диссертациянинг “**Ёриқ-ғовак мухитларда номувозанат адсорбция ҳисобга олиниб модда кўчиш жараёнларини гидродинамик моделлаштириш масалалари**” деб номланувчи иккинчи бобида ёриқ-ғовак мухитларда модда кўчиши масаласи номувозанат адсорбцияни ҳисобга олган ҳолда ечилган.

2.1 параграфда гидродинамик дисперсия, ёриқдаги диффузия эффектлари ва унинг мухитдаги кўчиш жараёнига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, адсорбцияланувчи модданинг битта ғовак блок ва битта ёриқдан ташкил топган мухитда модда кўчиши масаласи қаралган.

Битта ёриқ ва унга бириктирилган ғовак блокдан ташкил топган ёриқ-ғовак мухит элементи тадқиқот объекти сифатида қаралади (1-расм). Ёриқ ярим чексиз соҳадан иборат, модданинг тақсимланиши ва суюқлик оқими унинг кўндаланг кесими бўйлаб бир жинслидир. Масаланинг бундай қўйилишида ёриқнинг иккинчи ўлчами, яъни унинг қалинлигини ўзгариши ҳисобга олинмайди. Ғовак блок текисликнинг биринчи чорагини эгаллайди, яъни $R \{0 \leq x < \infty, 0 \leq y < \infty\}$ соҳа қаралади.



1-расм. Ёриқдан ғовак блокка модда кўчишининг схематик тасвирлиши

Ёриқда суюқлик доимий g тезлик билан ҳаракатланади. Координата боши $x = 0$ нуқтадан унга доимий c_0 концентрацияли суюқлик ҳайдалади. Дастлаб қаралаётган мухит тоза суюқлик билан тўлдирилган. Ёриқда модданинг конвектив-диффузион кўчиши, ғовак блокда эса диффузион кўчиш рўй беради.

Ёриқда ҳамда ғовак блокда кўчиш жараёнида модда адсорбцияланиши мумкин.

Ёриқда ва ғовак блокда модданинг кўчиши конвектив диффузия ва адсорбцияни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги баланс тенгламалари орқали ифодаланади:

$$b \left(\frac{\partial c_f}{\partial t} + \rho \frac{\partial s_f}{\partial t} + \vartheta \frac{\partial c_f}{\partial x} \right) = b D_f^* \frac{\partial^2 c_f}{\partial x^2} + \theta_m D_m^* \frac{\partial c_m}{\partial y} \Big|_{y=0}, \quad 0 \leq x < \infty, \quad (1)$$

$$\frac{\partial c_m}{\partial t} + \frac{\rho}{\theta_m} \frac{\partial s_m}{\partial t} = D_m^* \frac{\partial^2 c_m}{\partial y^2}, \quad 0 \leq y < \infty, \quad (2)$$

бу ерда $c_f = c_f(t, x)$ - ёриқдаги модда концентрацияси, $\text{м}^3/\text{м}^3$; $c_m = c_m(t, x, y)$ - матрицадаги модда концентрацияси, $\text{м}^3/\text{м}^3$; $s_f = s_f(t, x)$ - ёриқдаги адсорбцияланган модданинг концентрацияси, $\text{м}^3/\text{кг}$; $s_m = s_m(t, x, y)$ - матрицадаги адсорбцияланган модданинг концентрацияси, $\text{м}^3/\text{кг}$; D_m^* - матрицадаги эффектив диффузия коэффициенти, $\text{м}^2/\text{с}$; ρ - тўйинган муҳитнинг зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$; b - ёриқнинг кенглиги, м ; θ_m - матрицанинг ғоваклик коэффициенти, t - вақт, с .

Ёриқ бир ўлчамли объект сифатида моделлаштирилади, шунинг учун унинг бўйлама кесими бўйича концентрациянинг тақсимланиши эътиборга олинмайди. Ёриқда конвектив диффузия коэффициенти D_f^* қуйидаги кўринишга эга:

$$D_f^* = D^* + \eta \frac{w}{\theta} \quad (3)$$

бу ерда D^* - модда (суюқлик)нинг молекуляр диффузия коэффициенти, η - ёйилиш коэффициенти, м ; $\frac{w}{\theta}$ - суюқликнинг физик тезлиги. Ёриқда суюқликнинг ҳаракати ва сизиш тезлиги бир бирига мос, яъни $\theta = 1$. У ҳолда (3) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$D_f^* = D^* + \eta \vartheta \quad (4)$$

бу ерда ϑ - суюқлик оқимининг тезлиги. Ушбу ўзгаришларни ҳисобга олгандан сўнг, (1) тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$\frac{\partial c_f}{\partial t} + \rho \frac{\partial s_f}{\partial t} + \vartheta \frac{\partial c_f}{\partial x} = (D^* + \eta \vartheta) \frac{\partial^2 c_f}{\partial x^2} + \frac{\theta_m D_m^*}{b} \frac{\partial c_m}{\partial y} \Big|_{y=0}, \quad 0 \leq x < \infty. \quad (5)$$

Бу тенглама ёриқда модданинг конвектив диффузион кўчиш тенграмасини ифодалайди.

(2), (5) тенгламалар системасини ёриқда ва ғовак блокда мувозанат адсорбцияни (Генри изотермаси) ҳисобга олиб ечамиз. Генри изотермасини вақт бўйича дифференциаллаб қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\frac{\partial s_f}{\partial t} = k_f \frac{\partial c_f}{\partial t}, \quad 0 \leq x < \infty, \quad (6)$$

$$\frac{\partial s_m}{\partial t} = k_m \frac{\partial c_m}{\partial t}, \quad 0 \leq y < \infty, \quad (7)$$

бу ерда k_f , k_m - ёриқда ва матрицадаги адсорбция коэффициентлари, м³/кг.

Соҳанинг $x = \infty$ ва $y = \infty$ чегарасида модда оқими йўқ деб қараймиз. $y = 0$ чегарада c_m ва c_f концентрацияларнинг тенглиги таъминланади. Бундай ҳолда бошланғич ва чегаравий шартлар қуйидагича ёзилади:

$$c_f(0, x) = c_m(0, x, y) = 0, \quad (8)$$

$$c_f(t, 0) = c_0, \quad (9)$$

$$c_f(t, x) = c_m(t, x, 0), \quad (10)$$

$$\frac{\partial c_f(t, \infty)}{\partial x} = 0, \quad (11)$$

$$\frac{\partial c_m(t, x, \infty)}{\partial y} = 0, \quad (12)$$


(2), (5) - (7) тенгламалар системаси (8) - (12) шартларни ҳисобга олган ҳолда чекли айирмалар усули билан ечилган. c_f ва c_m концентрация майдони аниқланган. Ёриқдан матрицага ўтувчи модданинг оқими молекуляр диффузия коэффициентлари ва суюқлик тезлигининг турли қийматлари учун баҳоланган:

- нисбий жорий модда алмашинуви: $Q = -\theta_m D^* \frac{\partial c_m}{\partial y} \Big|_{y=0}$;

- $y = 0$ чегарадаги нисбий умумий модда алмашинуви: $Q_{\text{общ}} = \int_0^{\infty} Q \, dx$;

- нисбий жамланма модда алмашинуви: $Q_{\text{сум}} = \int_0^t Q_{\text{общ}} \, dt = \int_0^t \int_0^{\infty} Q \, dx \, dt$.

2-расмда c_m/c_0 нисбий концентрация ва s_m адсорбцияланган концентрация майдони кўрсатилган. Ушбу сиртлардан кўринадики, ёриқда молекуляр диффузиянинг ($D^* \neq 0$) ҳисобга олиниши ёриқда c_f ва ғовак блок



2-расм. Нисбий концентрация c_m/c_0 (а) ва s_m (б) сиртлари, бунда $\eta = 2 \cdot 10^{-3}$ м, $g = 5 \cdot 10^{-4}$ м/с, $t = 10000$ с, $D^* = 0$ (1), $D^* = 1 \cdot 10^{-5}$ м²/с (2).

(матрица)да c_m коцентрация майдонининг кенгрок тарқалишига олиб келади (2-а расм). Ўз навбатида, молекуляр диффузия ёриқда ва ғовак блокдаги адсорбция майдонининг ошишига олиб келади (2-б расм).

Шунингдек, диффузия ёриқ ва ғовак блок орасидаги модда алмашинувиға сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланган.

2.2 параграфда ёриқ-ғовак мухитда модда кўчиши масаласи номувозанат адсорбцияни ҳисобга олган ҳолда ечилган. Адсорбция кинетикаси чизикли ва чизикли бўлмаган ҳоллар учун таҳлил этилган. (1), (2) тенгламаларда R соҳадаги адсорбция ўзгариши номувозанат кинетикага асосан юз беради. Номувозанат адсорбциянинг қуйидаги хусусий ҳоллари қаралган:

1. Чизикли номувозанат адсорбция.

Бу ерда ёриқ-ғовак мухитда модданинг адсорбцияси чизикли номувозанат кинетика асосида рўй беради деб олинади

$$\frac{\partial s_f}{\partial t} = \alpha_f (k_f c_f - s_f), \quad 0 \leq x < \infty, \quad (13)$$

$$\frac{\partial s_m}{\partial t} = \alpha_m (k_m c_m - s_m), \quad 0 \leq y < \infty, \quad (14)$$

бу ерда α_f, α_m - ёриқ ва матрицада адсорбция жараёнининг интенсивлигини характерловчи коэффициентлар, c^{-1} . (13) ва (14) тенгламаларда $t \rightarrow \infty$ да, қуйидаги $s_f = k_f c_f$ ва $s_m = k_m c_m$ чизикли мувозанат адсорбция (Генри изотермаси) тенгламалари ҳосил бўлади. (13), (14) тенгламалар учун бошланғич шарт қуйидагича бўлади

$$s_f(0, x) = s_m(0, x, y) = 0. \quad (15)$$

(1), (2) тенгламалар системаси (13), (14) ни ҳисобга олинганда ва (8) - (12) ҳамда (15) шартларда чекли айирмалар усули билан ечилди. Сонли натижалардан фойдаланиб c_m ва c_f коцентрациялар ҳамда s_m ва s_f адсорбция майдонлари профиллари қурилди. Адсорбция коэффицентларининг турли қийматлари учун ёриқдан ғовак блокка ўтувчи масса оқими аниқланди. Олинган натижаларга таҳлиliga кўра, адсорбция коэффицентлари k_f ва k_m нинг ошиши нисбий модда алмашинувининг ортишига олиб келади.

Агарда модданинг адсорбцияланиши номувозанат равишда рўй берса, мухитнинг турли нуқталарида коцентрация профили ва адсорбция профилининг ўзгариш динамикаси (темп) турлича кечади. Бунда адсорбциянинг ёриқда ва ғовак блокда коцентрация майдонининг тарқалишига таъсирини баҳолаш мақсадида қуйидаги коцентрация ва адсорбция профилларининг моментини ҳисоблаймиз:

$$c_{fl} = \int_0^{\infty} x^l c_f(t, x) dx, \quad c_{ml} = \int_0^{\infty} \int_0^{\infty} x^l y^l c_m(t, x, y) dx dy,$$

$$s_{fl} = \int_0^{\infty} x^l s_f(t, x) dx, \quad s_{ml} = \int_0^{\infty} \int_0^{\infty} x^l y^l s_m(t, x, y) dx dy, \quad l = 0, 1, \dots$$

Ушбу моментлардан фойдаланиб, модданинг кўчиши ва адсорбциясининг турли хил характеристикаларини баҳолаш мумкин. Ушбу $x_{fc} = \frac{c_{f1}}{c_{f0}}$, $x_{fs} = \frac{s_{f1}}{s_{f0}}$

катталиқлар ёриқдаги модда концентрацияси ва адсорбцияланган модда концентрациясининг «ўртача тарқалиш масофаси»ни билдиради (мос ҳолда

x_{fc} ва x_{fs}). $\Omega_{mc} = \frac{c_{m1}}{c_{m0}}$, $\Omega_{ms} = \frac{s_{m1}}{s_{m0}}$ катталиқлар мос ҳолда ғовак блокдаги

модда концентрацияси ва адсорбцияланган модда концентрациясининг «ўртача тарқалиш майдони»ни билдиради. x_{fc} , x_{fs} , Ω_{mc} , Ω_{ms} нинг вақт бўйича ўзгариш динамикаси чизиқли мувозанат ва чизиқли номувозанат кинетика адсорбциялари учун таққосланди. Мувозанат адсорбцияга нисбатан номувозанат кинетика адсорбцияси адсорбция майдонининг қисқаришига, бу эса ўз навбатида концентрация профилининг кенгрок тарқалишига олиб келиши аниқланди.

2. Ночизиқли номувозанат адсорбция.

Бу ерда Фрейндлих ва Ленгмюр изотермалари асимптотикасига мос келувчи номувозанат адсорбция кинетикаси таҳлил қилинган. (1), (2) тенгламаларда R соҳадаги адсорбция ўзгариши номувозанат кинетикага асосан юз беради. Бунда номувозанат адсорбциянинг қуйидаги хусусий ҳоллари қаралади:

2.1. Мувозанат ҳолатида Фрейндлих изотермасига мос келувчи номувозанат адсорбция.

Бу ҳолда (13), (14) билан ифодаланувчи чизиқли адсорбция кинетикасининг ўрнига чизиқлимас кинетикани қараймиз

$$\frac{\partial s_f}{\partial t} = \alpha_f (k_f c_f^N - s_f), \quad 0 \leq x < \infty, \quad (16)$$

$$\frac{\partial s_m}{\partial t} = \alpha_m (k_m c_m^N - s_m), \quad 0 \leq y < \infty, \quad (17)$$

бу ерда N - ўзгармас.

(16) ва (17) тенгламалар мос равишда ёриқ ва ғовак блокда мувозанат ҳолатида Фрейндлих изотермасига мос келувчи номувозанат адсорбция кинетикасини ифодалайди. (16) ва (17) тенгламалардан $t \rightarrow \infty$ да мувозанат адсорбция (Фрейндлих изотермаси) тенгламалари ҳосил бўлади

$$s_f = k_f c_f^N, \quad 0 \leq x < \infty, \quad (18)$$

$$s_m = k_m c_m^N, \quad 0 \leq y < \infty. \quad (19)$$

2.2. Мувозанат ҳолатида Ленгмюр изотермасига мос келувчи номувозанат адсорбция.

Бу ерда ёриқ-ғовак муҳитда модда адсорбциясини мувозанат ҳолатида Ленгмюр изотермасига мос келувчи ночизиқли кинетика орқали ифодалаймиз

$$\frac{\partial s_f}{\partial t} = \alpha_f \left(\frac{a_f c_f}{1 + b_f c_f} - s_f \right), \quad 0 \leq x < \infty, \quad (20)$$

$$\frac{\partial s_m}{\partial t} = \alpha_m \left(\frac{a_m c_m}{1 + b_m c_m} - s_m \right), \quad 0 \leq y < \infty, \quad (21)$$

бу ерда a_f , a_m , b_f , b_m - Ленгмюр константалари. $t \rightarrow \infty$ да (20) ва (21) тенгламалардан қуйидаги

$$s_f = \frac{a_f c_f}{1 + b_f c_f}, \quad 0 \leq x < \infty \quad (22)$$

$$s_m = \frac{a_m c_m}{1 + b_m c_m}, \quad 0 \leq y < \infty \quad (23)$$

ночизикли мувозанат адсорбция (Ленгмюр изотермаси) қонунини ҳосил қиламиз.

2.3 параграфда юқоридаги масала модданинг радиоактивлиги ёки химик-биологик емирилиши каби жараёнлар учун қаралган. Химик-биологик активлик деганда модданинг муҳит скелети билан химиявий ёки биологик ўзаро таъсирлашуви остидаги емирилиши тушунилади. Радиоактив модда ер остига кўмилганда табиий парчаланиш туфайли унинг концентрацияси вақт ўтиши билан камайиб боради. Таъкидлаш жоизки, химик-биологик ёки радиоактив емирилиш ҳисобига модданинг концентрацияси нолгача камайиши мумкин. Шунинг учун ғовак сиртига модданинг адсорбцияланиши масаласи қаралганда адсорбцияланувчи модданинг емирилиш қонуниятларини эътиборга олиш лозим.

Радиоактив ёки химик-биологик емирилишни ҳисобга олганда ёриқда ва ғовак блокда адсорбцияланувчи модда кўчиши тенгламалари қуйидагича ёзилади

$$b \left(\frac{\partial c_f}{\partial t} + \rho \frac{\partial s_f}{\partial t} + \vartheta \frac{\partial c_f}{\partial x} \right) = b D_f^* \frac{\partial^2 c_f}{\partial x^2} + \theta_m D_m^* \frac{\partial c_m}{\partial y} \Big|_{y=0} - b \lambda_f c_f - b \rho \lambda_{sf} s_f, \quad 0 \leq x < \infty, \quad (24)$$

$$\frac{\partial c_m}{\partial t} + \frac{\rho}{\theta_m} \frac{\partial s_m}{\partial t} = D_m^* \frac{\partial^2 c_m}{\partial y^2} - \lambda_m c_m - \frac{\rho}{\theta_m} \lambda_{sm} s_m, \quad 0 \leq y < \infty, \quad (25)$$

бу ерда λ_f , λ_m - модданинг ёриқда ва матрицадаги радиоактив емирилиш ёки химик-биологик парчаланиш ($\lambda = \lambda_m = \lambda_f$) коэффициентлари, λ_{sf} , λ_{sm} - адсорбцияланган модданинг ёриқда ва матрицадаги радиоактив ёки химик-биологик емирилиш коэффициентлари. (24), (25) тенгламалар мувозанат ҳолатида Фрейндлих изотермасига мос келувчи номувозанат адсорбцияни ҳисобга олиб ечилган. Бошланғич ва чегаравий шартлар 2.1 - 2.2 - § дагидек қолади. Актив модданинг кўчиши характеристикалари λ_f , λ_m коэффициентларнинг турли қийматларида таққосланган. Модда активлигининг концентрация профилига таъсири баҳоланган.


Диссертациянинг «Иккита ёриқли ёриқ-ғовак муҳит элементида адсорбцияланувчи модда кўчишини моделлаштириш» деб номланувчи учинчи бобида иккита ёриқдан ва улар орасидаги ғовак блоклардан ташкил

топган ёриқ-ғовак муҳит элементида адсорбцияланувчи модданинг кўчиши масаласи қаралган.

3.1 параграфда иккита ёриқдан ва улар орасидаги ғовак блоклардан ташкил топган ёриқ-ғовак муҳит элементида модда кўчиши масалалари таҳлили келтирилган. Масаланинг бу тарзда қўйилиши олдин кўриб ўтилган масалаларнинг оддий геометрик умумлашмаси эмас. Масалада суюқлик иккита ёриқлар орқали турли тезликларда ҳаракатланиши мумкин, бинобарин, уларда модданинг кўчиш интенсивлиги турлича бўлади.

3.2 параграфда номувозанат адсорбция ҳисобга олиниб, иккита ёриқдан ташкил топган ёриқ-ғовак муҳит элементида модда кўчиши масаласи ечилган. Бу ерда муҳит иккита ёриқ орасидаги ярим чексиз соҳали ғовак блокдан ташкил топган деб қаралган (3-расм).

Тадқиқот объекти иккита: θ_1 , D_1^* характеристикали R_1 $\left\{ 0 \leq t < \infty, 0 \leq x < \infty, 0 \leq y \leq \frac{b_3}{2} \right\}$ ва θ_2 , D_2^* характеристикали R_2 $\left\{ 0 \leq t < \infty, 0 \leq x < \infty, \frac{b_3}{2} \leq y \leq b_3 \right\}$ соҳалардан ташкил топган, бу ерда θ_1 ва θ_2 - ғоваклик коэффицентлари (ўлчамсиз катталиқ), D_1^* , D_2^* мос ҳолда R_1 ва R_2 соҳалардаги эффектив диффузия коэффицентлари, м²/с.



3-расм. Ёриқ-ғовак муҳит элементида модда кўчишининг схематик тасвирланиши

Адсорбцияни ва модда алмашинувини ҳисобга олиб ёриқлар ва блокларда модданинг конвектив-диффузион кўчиши тенгламасини қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$b_1 \left(\frac{\partial c_f}{\partial t} + \rho_1 \frac{\partial s_f}{\partial t} + \rho_1 \frac{\partial c_f}{\partial x} \right) = b_1 D_{f1}^* \frac{\partial^2 c_f}{\partial x^2} + \theta_1 D_1^* \frac{\partial c_f}{\partial y} \Big|_{y=0}, \quad (26)$$

$$b_2 \left(\frac{\partial c_f}{\partial t} + \rho_2 \frac{\partial s_f}{\partial t} + \vartheta_2 \frac{\partial c_f}{\partial x} \right) = b_2 D_{f2}^* \frac{\partial^2 c_f}{\partial x^2} - \theta_2 D_2^* \frac{\partial c_f}{\partial y} \Big|_{y=b_3}, \quad (27)$$

$$\frac{\partial c_m}{\partial t} + \frac{\rho_1}{\theta_1} \frac{\partial s_m}{\partial t} = D_1^* \frac{\partial^2 c_m}{\partial y^2}, \quad 0 \leq y \leq \frac{b_3}{2}, \quad (x, y) \in R_1, \quad (28)$$

$$\frac{\partial c_m}{\partial t} + \frac{\rho_2}{\theta_2} \frac{\partial s_m}{\partial t} = D_2^* \frac{\partial^2 c_m}{\partial y^2}, \quad \frac{b_3}{2} \leq y \leq b_3. \quad (x, y) \in R_2, \quad (29)$$

бу ерда D_{f1}^* , D_{f2}^* - биринчи ва иккинчи ёриқдаги конвектив диффузия коэффициентлари, $\text{м}^2/\text{с}$, ϑ_1 , ϑ_2 - биринчи ва иккинчи ёриқдаги суюқлик ҳаракати тезликлари, $\text{м}/\text{с}$, ρ_1 , ρ_2 - биринчи ва иккинчи соҳаларнинг зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$, b_1 , b_2 - ёриқларнинг кенглиги, м .

Фрейдлих изотермасига мос келувчи номувозанат кинетика тенгламасидан фойдаланамиз

$$\frac{\partial s_f}{\partial t} = \alpha_{f(n)} (k_{f(n)} c_f^N - s_f), \quad (30)$$

$$\frac{\partial s_m}{\partial t} = \alpha_{m(n)} (k_{m(n)} c_m^N - s_m), \quad (31)$$

бу ерда $k_{f(n)}$, $k_{m(n)}$ - ёриқда ва матрицадаги Фрейдлих изотермаси константалари, $\text{м}^3/\text{кг}$, $\alpha_{f(n)}$, $\alpha_{m(n)}$ - мос ҳолда ёриқ ва матрицада адсорбция жараёнининг интенсивлигини характерловчи коэффициентлар, с^{-1} , N - ўзгармас ($0 < N < 1$), n - тенглама коэффициентларининг индекси (R_1 учун $n = 1$, R_2 учун $n = 2$).

Вақтнинг бошланғич momentiда қаралаётган соҳа тоза суюқлик билан тўлдирилган деб фараз қилинади. $t > 0$ вақтдан бошлаб ёриқларга умумий ҳолда турли c_{01} ва c_{02} концентрацияли суюқликлар ҳайдалади. Қаралаётган вақт диапазонида $x = \infty$ соҳага концентрация майдони етиб бормаган деб ҳисоблаймиз. $y = \frac{b_3}{2}$ ғовак блоклар чегарасида модда концентрацияларининг узлуксизлиги таъминланган. Масаланинг қўйилишига кўра бошланғич ва чегаравий шартлар қуйидагича:

$$c_f(0, x) = c_m(0, x, y) = 0, \quad (32)$$

$$c_f(t, 0) = \begin{cases} c_{01}, \\ c_{02}, \end{cases} \quad (33)$$

$$c_f(t, \infty) = 0, \quad (34)$$

$$c_f(t, x) = c_m(t, x, 0), \quad (35)$$

$$c_f(t, x) = c_m(t, x, b_3), \quad (36)$$

$$c_m\left(t, x, \frac{b_3}{2} - 0\right) = c_m\left(t, x, \frac{b_3}{2} + 0\right), \quad (37)$$

$$D_1^* \frac{\partial c_m \left(t, x, \frac{b_3}{2} - 0 \right)}{\partial y} = D_2^* \frac{\partial c_m \left(t, x, \frac{b_3}{2} + 0 \right)}{\partial y}, \quad (38)$$

$$s_f(0, x) = s_m(0, x, y) = 0. \quad (39)$$

(26) - (29) масалалар (30), (31) тенгламаларни ҳисобга олиб, (32) - (39) шартларда чекли айирмалар усули билан ечилган. Алоҳида соҳалардаги концентрация майдони ва ёриқдан ғовак блокка ўтувчи нисбий масса оқими матрицадаги (ғовак блокдаги) эффектив диффузия коэффициентининг фарқли қийматлари учун аниқланди.

3.3 параграфда ёриқ-ғовак муҳит элементида адсорбцияланувчи модданинг кўчиши масаласи ғовак блокдаги кўндаланг ва бўйлама диффузияни ҳисобга олган ҳолда кўриб ўтилди. Масалада диффузия эффектларининг ғовак блоklarдаги ролига асосий эътибор қаратилган. Тадқиқот объекти ва масаланинг қўйилиши 3.2-§ дагидек қолади. (28), (29) тенгламаларнинг ўрнига кўндаланг ва бўйлама диффузияни ҳисобга олувчи қуйидаги тенгламалар қаралади

$$\frac{\partial c_m}{\partial t} + \frac{\rho_1}{\theta_1} \frac{\partial s_m}{\partial t} = D_{1x}^* \frac{\partial^2 c_m}{\partial x^2} + D_{1y}^* \frac{\partial^2 c_m}{\partial y^2}, \quad (x, y) \in R_1 \quad (40)$$

$$\frac{\partial c_m}{\partial t} + \frac{\rho_2}{\theta_2} \frac{\partial s_m}{\partial t} = D_{2x}^* \frac{\partial^2 c_m}{\partial x^2} + D_{2y}^* \frac{\partial^2 c_m}{\partial y^2}, \quad (x, y) \in R_2 \quad (41)$$

бу ерда D_{1x}^* , D_{2x}^* мос ҳолда x ўқи бўйича йўналган, D_{1y}^* , D_{2y}^* эса мос ҳолда y ўқи бўйича йўналган R_1 ва R_2 соҳаларда ғовак блокдаги эффектив диффузия коэффициентлари. Масалада R_1 ва R_2 соҳаларда адсорбция жараёни чизиқли кинетика қонуни орқали ифодаланган.

Бошланғич ва чегаравий шартлар ҳам аввалгидек қолади, аммо қуйидаги иккита чегаравий шарт қўшилади


$$\frac{\partial c_m(t, 0, y)}{\partial x} = 0, \quad (42)$$

$$\frac{\partial c_m(t, \infty, y)}{\partial x} = 0, \quad (43)$$

(26), (40) ва (27), (41) тенгламалар системаси мос ҳолда (32) - (39) ва (42), (43) шартларни ҳисобга олиб сонли усулда ечилган.

Сонли натижаларга асосланиб R_1 ва R_2 соҳалардаги концентрация ва адсорбция майдони, ёриқдан ғовак блокка ўтувчи нисбий масса оқимининг ўзгариши динамикасига бўйлама ва кўндаланг диффузия ҳадларининг таъсири баҳоланди.

4-расмда x_{fc} ва Ω_{mc} нинг вақт бўйича ўзгариш графиги кўрсатилган. Графикдан кўринадики, R_2 соҳада бўйлама диффузия эффектнинг ошиши x_{fc1} ва Ω_{mc2} нинг қийматини ошишига олиб келади.



4-расм. x_{fc} (а) ва Ω_{mc} (б) нинг ўзгариш графиги.

$$(1) D_{1x}^* = D_{2x}^* = 1 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2/\text{с}, D_{1y}^* = 1 \cdot 10^{-7} \text{ м}^2/\text{с}, D_{2y}^* = 8 \cdot 10^{-7} \text{ м}^2/\text{с},$$

$$(2) D_{1x}^* = 1 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2/\text{с}, D_{2x}^* = 1 \cdot 10^{-5} \text{ м}^2/\text{с}, D_{1y}^* = 1 \cdot 10^{-7} \text{ м}^2/\text{с}, D_{2y}^* = 8 \cdot 10^{-7} \text{ м}^2/\text{с}.$$

Кўндаланг диффузия ёриқ ва ғовак муҳит ўртасидаги модда кўчишининг ошишига олиб келиши, бўйлама диффузия коэффициентининг ортиши эса масса алмашинувининг янада кўпроқ ортишига олиб келиши кўрсатилган.

ХУЛОСА

“Ёриқ-ғовак муҳитларда номувозанат адсорбция ҳисобга олиниб модда кўчиши масалаларини ечиш” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги асосий хулосалар тақдим этилди:

1. Ёриқ-ғовак муҳитда модда кўчишининг гидродинамик таҳлиliga доир маълумотлар келтирилган. Конвектив диффузия ва гидродинамик дисперсия эффектларини ҳисобга олиб ёриқ-ғовак муҳитларда адсорбцияланувчи модда кўчишини қисқача тавсифи келтирилган.

2. Битта ёриқ ва унга бириктирилган ғовак блокдан иборат ёриқ-ғовак муҳит элементида мувозанат адсорбция (Генри изотермаси) ҳисобга олиниб адсорбцияланувчи модданинг кўчиши масаласи ечилган. Сонли натижаларга асосланиб модда концентрацияси ва адсорбция майдони ҳамда муҳитлар чегарасидаги нисбий модда оқими аниқланган. Диффузия эффекти ҳисобга олинган ҳолда ёриқда молекуляр диффузия коэффициентининг 5 марта ортиши ёриқдан ғовак блокка ўтувчи умумий модда оқимининг 12-13 % га ошиш имконини берган.

3. Ёриқ-ғовак муҳитда номувозанат адсорбцияни ҳисобга олган ҳолда модда кўчиши масаласи ечилди. Мувозанат ва номувозанат ҳолатлардаги адсорбция таҳлил қилинган. Номувозанат адсорбциянинг хусусий ҳоллари кўриб чиқилди: чизиқли ва ночизиқли. Олинган натижалар асосида адсорбция коэффициентининг ошиши мувозанатли адсорбция режимига ўтишининг тезлашишига олиб келиши кўрсатилган.

4. Модданинг химик-биологик ёки радиацион фаоллиги бўлган ҳолдаги масала кўриб чиқилди. Модданинг емирилиши концентрациянинг тарқалиши ва адсорбция майдонининг қисқаришига олиб келиши кўрсатилган. Ушбу

жараён ёриқ ва ғовак блок чегарасида юқори концентрация градиентлари ҳосил бўлишига, бу ўз навбатида муҳитлар чегарасида нисбий модда алмашинувиға сезиларли таъсир қилиши кўрсатилган.

5. Ярим чексиз соҳада ҳар иккала томондан ёриқлар билан ўралган ғовак блоклардан иборат ёриқ-ғовак муҳит элементида модда кўчиши масаласи қаралган. Ёриқлар ва ғовак блоклар бир ўлчамли ва ярим чексиз деб ҳисобланди. Тадқиқот соҳаси икки қисмдан иборат: характеристик катталиклари D_1^*, θ_1 га эға бўлган $R_1 \{0 \leq t < \infty, 0 \leq x < \infty, 0 \leq y \leq b_3/2\}$ ва θ_2, D_2^* га эға $R_2 \{0 \leq t < \infty, 0 \leq x < \infty, b_3/2 \leq y \leq b_3\}$ соҳалар. Ёриқлардан ғовак блокларға модданинг диффузион кўчиши масаласи қаралган. Бундай ҳол учун номувозанат адсорбциянинг икки (чизикли ва ночизикли кинетикаси) тури таҳлил қилинди ва унинг ёриқ-ғовак муҳит элементидаги модда кўчишиға таъсири ўрганилган. Ғовак блокларда эффектив диффузия коэффициентининг турли хил қиймати учун модда концентрациясининг ва адсорбциянинг ассиметрик тақсимоти олинган.

6. Ёриқ-ғовак муҳит элементида адсорбцияланувчи модда кўчиши бўйлама ва кўндаланг диффузия ҳисобға олинган ҳолда қараб ўтилди. Асосий эътибор ғовак блокдаги диффузиянинг ролиға қаратилган. R_2 соҳадаги кўндаланг ва бўйлама диффузия коэффициентлари қийматининг кетма-кет ошиб бориши билан адсорбция майдонининг ошиб бориши кўрсатилди. Шу билан бирға у ўқи бўйлаб йўналган диффузия оқими кучайиб бориши аниқланди. Бўйлама ва кўндаланг диффузия модда концентрациясининг тарқалиши, ёриқдан ғовак блокға ўтувчи нисбий модда оқимиға, шунингдек ёриқдаги ва ғовак блокдаги модда концентрацияси ва адсорбцияси моментлари қийматининг ошишиға олиб келиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018.FM/T.02.09
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МУСТОФОКУЛОВ ЖАББОР АХМАТКУЛОВИЧ

**РЕШЕНИЕ ЗАДАЧ ПЕРЕНОСА ВЕЩЕСТВА В ТРЕЩИНОВАТО-
ПОРИСТЫХ СРЕДАХ С УЧЕТОМ НЕРАВНОВЕСНОЙ АДСОРБЦИИ**

01.02.05 – Механика жидкости и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/FM354.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Хужайёров Бахтиёр Хужайёрович
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: Арифжанов Ойбек Мухамеджанович
доктор технических наук, профессор
Джабборов Мамасоли Содикович
кандидат физико-математических наук, доцент

Ведущая организация: Институт механики и сейсмостойкости
сооружений

Защита диссертации состоится «17» января 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.30.08.2018.FM/T.02.09 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 104000, Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (866) 235-19-38.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (регистрационный номер 125). Адрес: 104000, Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (866) 235-19-38, факс: (866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz

Автореферат диссертации разослан «30» декабря 2019 года.
(реестр протокола рассылки № 8 от «28» декабря 2019 года.)



Р.И.Халмурадов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

А.Абдирашидов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор наук (DSc) по физико-математическим
наукам, доцент

Ж.Акилов
Заместитель председателя Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор физико-математических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире возрос интерес к исследованию переноса веществ через трещиноватую породу, что обусловлено экологическими проблемами, связанными с переносом радионуклидов в трещиноватых пластах. Кроме того, необходимость оценки пригодности трещиноватых пород для подземного геологического хранения высокоактивных, радиоактивных отходов вызвала новый интерес к исследованиям переноса вещества в таких средах. Эти исследования позволяют более глубоко понимать процессы переноса и массообмена между трещиной и матрицей. Поэтому особое внимание уделяется разработке математических моделей и численных алгоритмов переноса веществ в ТПС во многих зарубежных странах, в том числе США, Англии, Франции, Германии, Китае, Японии, России и других развитых странах, а также созданию современных вычислительных программных обеспечений. Это обусловлено различными практическими приложениями, где процессы переноса вещества и движения жидкости в трещиновато-пористых средах (ТПС) составляют основу промышленных, опытно-промышленных работ по утилизации различных отходов в подземные резервуары, интенсификации добычи нефти путем закачки воды с различными растворенными веществами в пласты с трещиновато-пористыми коллекторами и др.

В мире ужесточение экологических норм, все возрастающие объемы различных промышленных отходов ставит задачу более тщательного изучения известных методов их утилизации и разработки более совершенных способов. Для решения этих задач удобным, предпочтительным и, наконец, наиболее дешевым путем являются методы математического моделирования процессов переноса в пористых и ТПС. С другой стороны, гидродинамические модели основываются на фундаментальные законы физики и химии, учитывают феноменологические соотношения, определяемые на основе характерных особенностей явления. Поэтому естественно ожидать получение относительно более адекватных результатов от гидродинамических моделей, по сравнению с другими моделями.

В нашей стране применение методов моделирования переноса веществ стало важным инструментом изучения экологических проблемы, в частности, при описании движения пестицидов и активных веществ через ТПС, охраны окружающей среды, добычи нефти и газа и др. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах поставлены задачи, в том числе «...дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень ...; ... развитие сети ... ирригационных объектов ...»². Реализация этих задач, в том числе разработка передовых математических моделей, описывающих

² Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 г.

процессы переноса веществ и фильтрации жидкости в ТПС, является одной из актуальных проблем.

В определенной степени, данная диссертационная работа служит осуществлению задач, определенных в нормативно-правовых документах касательно данной деятельности, в частности, к таковым относятся Постановление «Об усовершенствовании системы управления нефтегазодобывающей промышленностью» ПП-3107 от 30 июня 2017 года, «О мерах по повышению эффективности использования водных ресурсов» ПП-3823 от 2 июля 2018 года, «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы обращения с бытовыми отходами» ПП-3730 от 18 мая 2018 года, «О мерах по повышению эффективности системы интеграции научной и инновационной деятельности» ПП-3899 от 6 августа 2018 года, а также другие нормативно-правовые акты по данной деятельности.

